

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

Фармацевтика:
ТИББИЁТНИНГ АЯНЧИ ЭМАС,
ТАЯНЧИ БЎЛИШИ КЕРАК

Нурафшон шаҳрида вилоятдаги фармацевтика саноати ва соғлиқни сақлаш тизими вакиллари билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди.



Унда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси масъуллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фармацевтика бўйича ишлаб чиқарувчи ҳамда таъминотчи корхоналар мутасаддилари иштирок этишди.

Мулоқот жорий йилнинг 28 ноябрь

Очиқ мулоқот



куни давлатимиз раҳбари бошчилигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси, хусусан, хориждан дори-дармон воситаларини эмас, балки ишлаб чиқариш ускуналарини импорт қилиш, дори саноатини янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

2

Ҳамкорлик

Хитойнинг
БАНДЛИК
тажрибаси

Яқинда Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Абдуллаев бошчилигидаги делегация таркибида Хитойнинг Ганьчжоу, Нанькан, Янцзи, Цзинганшань ва Наньчан шаҳарларида бўлиб қайтдик.

Асосий учрашувлар Цзянси провинциясида бўлиб ўтди.

Делегациямиз аъзолари Ганьчжоу шаҳрида ШХТ давлатлари вакиллари учун ташкил этилган "Камбағалликка қарши курашиш" мавзuidaги семинарда иштирок этишди.

Шунингдек, тадбиркорларни ўқитиш маркази, саноат соҳасини ривожлантириш ва малака ошириш курслари, қишлоқлардаги қурилишлар, қизил туризм ҳамда камбағалликни қисқартириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар билан танишилди.

Бундан ташқари, "Спорттовари Синьбайлунь", "Перчатка Хуншунь", "Пищевые технологии Деду" корхоналарида бўлиб, бандликка қўмаклашиш, аҳолини ишга жойлаштириш, доимий даромадга эга қилиш йўналишида амалга оширилган ишларни тажриба тариқасида Тошкент вилоятида ҳам қўллаш юзасидан тақлифлар ўрганилди.

Хитой тажрибасига кўра, тадбиркорлик қилиш истиғини билдирган фуқароларга салоҳияти ва режалаштирган лойиҳасидан келиб чиқиб, давлат томонидан банк кредити ва бошқа қўмақлар берилди. Шунингдек, ўз фаолияти давомида ҳудуддаги экологик тизимга зарар етказмаслик, атроф-муҳитни ифлослантирмаслик бўйича махсус ўқув курсларида тегишли кўникмаларга ўқитилди. Тадбиркорга ишлаб чиқарилган маҳсулотини сотиш учун харидор топишда, бозор иқтисодиётида рақобатни енгиб ўтишда давлат томонидан амалий ёрдам кўрсатилади. Ўз навбатида, тадбиркор ҳам мавжуд иш ўринларига камбағал, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ишга қабул қилади.

Бундан ташқари, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи тадбиркорларга фаолиятини кенгайтиришда амалий ёрдам кўрсатилиб, иккиламчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилишига эришилди.

Вилоятимизда Хитой тажрибасини кенг қўллаш имконияти мавжуд. Унда тадбиркорлик субъектлари бозор иқтисодиётида мавжуд хавф-хатарларга бардош бериш кўникмаларига эга бўлади. Қолаверса, уларнинг фаолиятини кенгайтириш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар сони ортади.

Зиёдбек ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент вилояти
Камбағалликни
қисқартириш
ва бандлик бош
бошқармаси
бошлиғи

Миллий танлов
ОЛАМГА АНДОЗАДИР
ЎЗБЕК АЁЛИ

Тошкент туманида "Йил аёли" ҳамда "Гендер тенглик фаоли" миллий танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2022 йил 27 апрелда қабул қилинган "Йил аёли" ва "Гендер тенглик фаоли" миллий танловларини ўтказиш тўғрисида"ги қарорга асосан ташкил этилган танловда шаҳар-туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 73 нафар хотин-қиз иштирок этди. Улар низомига мувофиқ бир қатор шартлар бўйича баҳоланди.

(Давоми 4-саҳифада) ➔

Вилоят бўйлаб



НУРАФШОН шаҳридаги Ёшлар марказида "Йилнинг энг намунали маҳалла етакчиси" танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида сараланган 220 нафар етакчи қатнашди.

ЧИРЧИҚ шаҳар ҳокими Даврон Хидоятов "Троник" компанияси директори билан учрашди.

Мулоқотда қуёш панелларида ишлайдиган ақлли тунги ёритиш тизимини жорий этиш бўйича лойиҳа муҳокама қилинди. Шунингдек, 10 млн. доллар грант маблағини жалб этиш бўйича меморандум имзоланди.

БЕКОБОД тумани ҳокимлиги масъуллари хитойлик инвесторлар билан музокара ўтказишди. Унда Green Light Group компанияси вакиллари туманда қуёш электр подстанцияси ўрнатиш бўйича тақлифларини билдиришди.

ЯНГИЙЎЛ туманида "Ҳоким ва тадбиркорлар учрашуви" бўлиб ўтди. Унда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шароитларни яратиш борасида суҳбатлашди.

АНГРЕН шаҳар прокурори У. Хабилжонов бошчилигида "Ҳақкарман-Янги Жигаристон" маҳалласида сайёр қабул бўлди. Қабулда фуқароларнинг ичимлик суви, газ, электр энергияси, йўлларни таъмирлаш ҳамда ҳудуддаги ноқонуний қурилмалар юзасидан мунозараларни кўриб чиқилди. Ҳар бир мунозарат тегишли мутасаддиларга йўналтирилди ва ижроси назоратга олинди.



Сўнгги йилларда республикада куёнчилик тармоғини ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада куёнчилик соҳасини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, куёнчилик хўжаликлари томонидан шакллантирилган рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган ускуналар, қишлоқ хўжалиги техникалари, бутловчи буюмлар ва материаллар, наслик куён ҳамда озуқа қўшимчалари, истисно тариқасида, 3 йил муддатга божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинган ҳамда қўшилган қиймат солиғини 1 йил муддатга кечиктириб тўлашга рухсат берилган эди.

Куёнчиликда
"зиёнчилик"
йўқ

Бу имконият ва имтиёзлар сабабли куён боқиш ва кўпайтиришга қизиқаётганлар кундан-кунга кўпаймоқда. "Ажойиб хаёлпараст" фильми ёдингиздами? Ундаги бош қаҳрамон куёнлар ортидан бойиб кетиш орузи билан яшайди.

2

Чорвачилик:
ТЎРТ ОЎҚЛАБ КЕЛАДИГАН ДАРОМАД

"Телов" маҳалласида истиқомат қилувчи Шухрат Йўлдошев ёшлигидан чорвачиликка қизиқар эди. Иллар ўтиб, "Aziya Agro-Baraka" масъулияти чекланган жамиятига асос солди.

2

Оҳангарон тумани чорвачилик бўйича вилоятнинг энг олди ҳудудларидан саналади. Айниқса, сўнгги йилларда соҳада яратилаётган имкониятлар сабабли чорвадорлар сафи кенгаймоқда.



Фармацевтика: ТИББИЁТНИНГ АЯНЧИ ЭМАС, ТАЯНЧИ БЎЛИШИ КЕРАК



Дастлаб иштирокчилар вилоятда ишлаб чиқарилаётган дори воситалари кўргазмаси билан танишишди. Вилоят ҳокими фармацевтика sanoatida фаолият юритаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, дорилар нархини арзонлаштириш ва аҳолига кафолатли етказиш борасида ўз тавсияларини берди.

— Корхонамиз табобат йўналишида фаолият юритади, — дейди "Павоми. Бошланиши 1-саҳифада)



радисе Флора" корхонаси директори Зилола Бекмухамедова. — Қўйи Чирчиқ туманидаги 6 гектар майдонда топинамбур ва доривор ўсимликлар етиштирамиз. Уларни қайта ишлаб, биологик қўшимчалар қўшиб, 14 хил шифобахш маҳсулотлар тайёрлаймиз. Бугунги кўргазмада фармацевтика йўналишидаги компаниялар қаторида ўз маҳсулотларимизни намойиш этапмиз.

Маълумот ўрнида, йил бошидан

вилоятдаги бирламчи тиббиёт муассасалари ҳамда шифохоналар учун жами 240 турдаги дори-дармон воситалари харид қилинган. Уларнинг 170 хили маҳаллий ва 70 тури импорт дори воситаларига тўғри келади. Ҳозиргача дори-дармонлар учун 125,9 миллиард сўмлик харажатлар амалга оширилган бўлса, шундан 102,8 миллиард сўм маҳаллий бюджетдан ва 23,1 миллиард сўм бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан мо-

лиялаштирилган.

Очиқ мулоқотда вилоят раҳбари дори воситалари электрон дўкон орқали танлов асосида харид қилиниши белгиланган бўлсада, бу рақам бор-йўғи 19 фоизни ташкил этишини кескин танқид қилди.

Шунингдек, вилоят ҳокими халқимиз тиббиёт ходимларини "саломатлик посбонлари" деб аташини, аммо, афсуски, улар орасида касбига юзак қарайдиганлари ҳам борлигини, соҳада қонунбузилиш ҳолатлари ҳалигача барҳам топмаётганини таъкидлади. Шу каби масъулиятсиз шифокорларга инсон саломатлиги ҳар нарсадан устун эканини тушунтириш мақсадида муҳофазатнома йўллади.

Мулоқот давомида иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва тақлифлари тингланди.

Яқунда вилоятда "Фармацевтика ва саломатлик" кенгаши ташкил этилиши ва унинг вазифаларига тўхталинди.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган сураглар

Очиқ эшиклар куни



ИЛЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

Аввал хабар қилганимиздек, Тошкент вилояти ҳокимининг тегишли фармойишига кўра, ҳудудда коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида жорий йил 14 ноябрдан 14 декабргача "Коррупцияга қарши курашиш ойлиги" профилактик тадбирлари ўтказилмоқда.



Кеча Нурафшон шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланган очиқ эшиклар куни бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимлиги мутахассислари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашишди.

Тадбирдан мақсад — аҳоли орасида бу салбий иллатга қарши самарали курашишдир. Бунинг учун фуқаролар ва давлат хизматчиларининг коррупцияга муносабати ижтимоий сўрономалар орқали ўрганилган. Мунтазам ташкил этилаётган ҳуқуқий тарғибот

тадбирлари, семинарлар ва давра суҳбатларида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, коррупцион халитларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, соҳада коррупцияга қарши замонавий курашиш тизимини жорий этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган сураглар

Оилавий тадбиркорлик Фармонбибининг ПИСКЕНТЛИК КЕЛИНИ

Аёл киши учун эрта тонгда туриб нонуштага ширин таомлар тайёрлаш қанчалик завқли жараён. Қолаверса, тўй ва тадбирларда турли пишириқлар пишириб, яқинларни йўқлаш ҳам мароқли. Аммо доим ҳам супра ёзиб, сомса тугиш ёки норин тўғраб, ҳасил солишга вақтимиз етмайди. Шундай кезларда маҳалланинг чакқон, қўли ширин бекалари ёрдамга ошиқишади.

Яқинда ижтимоий тармоқдаги янги гуруҳлардан бирига қўшилиб қолдим. Одатда бундай гуруҳларга кунда икки-уч марта улашиб қоламиз. Бироқ олди-қочдилигини кўриб, дарров чиқиб кетамиз. Бу галгиси

— "Пискентлик келини" таътибимизни тортди. "Пискентлик келини" таътибимизни тортди. "Пискентлик келини" таътибимизни тортди.

— Асли пискентликман, — дейди Наргиза Шаропова. — Бўка туманига келин бўлиб тушганман. Катта фарзандим 22 ёш, кичиги 3 ёш. Турмуш ўртоғимнинг топгани болаларни ўқитиш, қурилиш сарф-харажатларга кетади. Уларга қўмаклашгим келди. Онам доим: "Қиз бола пазанда, тадбирли бўлса рўзғори бут, баракали бўлади", дердилар. Ўзлари бош бўлиб, менга турли таомлар ва миллий пишириқларни мазали қилиб тайёрлашни ўргатганлар. Келин бўлиб тушган хонадонимда қариндошлар ва қўшиларнинг тўй ва йиғинларига турли пишириқлар тайёрлаб берардим. Кўпчиликка манзур келди чоғи, буюртма қиладиган бўлишди.

Кўпчилик билади: бўкаликларнинг энг машхур таоми паловхонтўра бўлса, кейингиси ҳасил. Наргиза ҳам шу таомга эҳтиёж борлигини сезиб, кунда калла-по-

ча ва ҳасил тайёрлашни йўлга қўйди. Ҳар тонг уйдаги 3 та қозонда турли таомлар харидорлар келишига тайёр бўлади.

— Ҳоҳида ярим тайёр маҳсулотлар: чучвара, котлет, лағмон, манпар буюртма қилишади, — дея давом этди Наргиза. — Ҳаракат қилиб, вақтига тайёрлаб бераман. Уйда болаларим ёнимда, турмуш ўртоғим ҳам ишларимдан хурсандлар.

Наргизанинг чакқон ҳаракатларини кўриб, Фармонбибининг: "Нақ чучваралар тугадики, данадек, лағмонлар чўзадики, сочининг толасидек", деган сўзлари ёдимга тушди.

Ундан гуруҳ ташкил этишдан мақсадини сўраганимизда шундай жавоб берди:

— Бу дугонанинг тавсияси. "Маҳаллангдан ташқаридагилар ҳам пазандалигини билишсин. Танловни одамларнинг ўзига қўйиб бер", деди. Шундай бўлди ҳам. Гуруҳ аъзолари кўндан-кўнга кўпаймоқда.

Ҳозирги кунда кўча ва дўконларда турли фас-фудлар кўпайган. Аммо кўпчилик уй шароитида тайёрланган маҳсулотларни тановул қилишни хоҳлайди. Наргиза сингари пазандалар бу борада яқин кўмакчига айланишган.

Нигора ЭРКИН қизи

Чорвачилик: ТўРТ ОЁҚЛАБ КЕЛАДИГАН ДАРОМАД

— Болалигимда уйимизда 3-4 та ситир бўларди, — дейди Шуҳрат ака. — Уларни парваришлаш менинг вазифам эди. Очиғи, бу иш ўзимга жуда ёқарди. Нуқул, катта бўлсам бунақа ситирларим кўп бўлади, дердим. Мана, шу кунлар келди. Бундан бир йил олдин маҳалладаги қаровсиз ерни тартибга келтириб, 500-600 қорамолга мўлжалланган ферма ташкил қилдик. Дастлаб, Қозғистондан 120 та зотдор бузоқ келтирдик. Уларни асосан гўшти учун боқамиз, маҳсулотни Ўзбекистон бўйлаб сотамиз. Айни пайтда фермаимизда 250 бош қорамол мавжуд.

Чорвани ем-хашак билан таъминлаш учун фермага берилган 100 гектар ерда асосан бугдой етиштирилади. Ерга ишлов бериш, экинларни йиғиб олиш учун тех-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

никалар ҳам сотиб олинган. Фермада 15 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Мавсумий ишлар кўпайганда



уларнинг сони 35-40 нафарга етади. Ишчи-ҳодимлар меҳнатга яраша рағбатлантирилади. Жумладан, ҳар кунни ҳодимларга сут тарқатилади.

Шуҳрат ака жорий йил бо-

шида фаолиятини кенгайтириб, фермасига туячилик ва йилқичилик тармоғини ҳам олиб кирди.

Шунингдек, 8 та жайдари от ҳам келтирдик. Отларга жуда қизиққанам болс уларни кўпайтириш, қандай парваришлашни ўқиб ўрганяпман. Яна янги режаларни ўйлаганмиз. Ҳозир чорва молларни Қозғистондан келтирамиз. Бу эса ортиқча сарф-харажатга сабаб бўлмоқда. Шу боис, 1 минг 500 бош қорамолга мўлжалланган ферма қуриб, унда насли қорамолларни кўпайтиришни режалаштирганмиз. Топган даромадимизни шунга йўналтиряпмиз. Бу режамиз амалга ошса тадбиркорлар ортиқча маблағ сарфлаб, четдан қорамол олиб келишларига ҳожат қолмайди. Шу билан бирга, қўшимча иш ўринлари яратилади.

Суҳробжон САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган сураглар

Қуёнчиликда "зиёнчилик" йўқ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Юқори Чирчиқ туманининг "Навбахор" маҳалласида истикомат қилувчи Жамшид Тўқсонбоев куён боқиб ҳаёлда эмас, ҳаётда бойиб кетишни ният қилган.

— Икки йилдан буён қуёнчилик билан шугулланамиз, — дейди Жамшид ака. — Асосан, "Великан" қуёнларини парваришляпмиз. Уларни жўхори, беда ва сабзи билан озиқлантираемиз. Насли қуёнлар йилига икки марта боқалайди. Қуёнчалар 40-45 кунда онасидан ажратилади. Қўшимча 25-30 кун боқилганда ҳар бири ўртача 2 кг., 120 кунда эса 4 килограммгача гўшт беради. Шу билан бирга, териси ҳам сифатли ва харидори кўп. Бундан ташқари, қуёнларнинг ўзини ҳам қарид қилишади. Турмуш ўртоғим ва фарзандларим ҳам бўш вақтларида менга ёрдамлашяшади. Қилаётган ишим ва фойдасидан қониққанам учун келгусида қуёнчилик фермасини ташкил этмоқчиман.

С. ЖўРАЕВ
Жалолiddин ЭСОНОВ олган сураглар



Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасидан

Ғамхўрлик

Яхшилар тухфаси

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами яхшилар тухфаси қилиш, жисмоний имконияти чекланган шахсларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан ҳам аҳолининг ногиронлиги бўлган қатлами, махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган жисмоний имконияти чекланган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, комбинат раҳба-

ва заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернати, 6-сонли ёрдамчи мактаб ҳамда Пискент туманидаги 79-сонли, Ангрен шаҳридаги 34-сонли ногирон болалар мактаб интернатлари ва 9-сонли имконияти чекланган болалар ихтисослаштирилган мактабда таҳсил олаётган 1-5-синф



рияти томонидан 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. ОКМК ҳомиёлигида Олмалиқ шаҳридаги 80-сонли кар

ўқувчиларига жами 518 комплект мактаб формалари тухфа этилди. Бу каби эзгу амаллар бардавомлик касб этади.

ОКМК матбуот хизмати

Янгиликлар моҳияти — талабалар нигоҳида

Астрахань давлат техника университетининг Тошкент вилояти филиалида "Конституция — адолат тантанаси" мавзусида маърифий кеча ташкил этилди.

Давра суҳбати



Унда сўзга чиққанлар талабаларга янгиланган конституциянинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш беришди.

— Конституцияга киритилган ўзгаришлар аввало, халқ ва жамият манфаатига хизмат қилишни барчамиз англашимиз лозим, — дейди вилоят ИИББ профилактика бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Шаҳноза Содикова. — Бунда аҳоли ва ёшлар билан шу каби давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этиш муҳим. Бу-

гунги тадбирда талаба-ёшларнинг жамиятдаги ўзгаришлар, янгиликларга беъэтибор эмаслиқларини кўриб, мамнун бўлдик. Бойси, мамлакат ривожига фаол ёшларнинг ўрни катта. Келгусида университет ва бошқармамиз ҳамкорлигида бу каби тадбирларни тез-тез ташкил этишга келишиб олдик.

Тадбирда талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Жалолiddин ЭСОНОВ
олган сураг

Н. ЭРКИНБОЕВА

